

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Fil. 21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХОЛМУРАДОВА ЛЕЙЛА ЭШҚУВАТОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДАГИ ОБРАЗЛИ ВА
МОТИВЛАШГАН ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ТЕМАТИК-
ИДЕОГРАФИК ТАЛҚИНИ (ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТ)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2017 йил

**Филология фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation abstract of Doctor Philosophy (PhD) on
Philological Science**

Холмурадова Лейла Эшкуватовна

Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган
фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (лингвомаданий
аспект) 3

Холмурадова Лейла Эшкуватовна

Тематико-идеографическая репрезентация образных и
мотивированных фразеологизмов английского и французского языков
(лингвокультурологический аспект) 23

Kholmuradova Leyla Eshkuvatovna

The thematic and idiographic representation of figurative and motivated
phraseological units of the English and French languages (a linguo-
culturological aspect)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Fil. 21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХОЛМУРАДОВА ЛЕЙЛА ЭШҚУВАТОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДАГИ ОБРАЗЛИ ВА
МОТИВЛАШГАН ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ТЕМАТИК-
ИДЕОГРАФИК ТАЛҚИНИ (ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТ)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2017 йил

Филология фанлари бўйча фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. PhD/ Fil 83 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот тармоғида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абди Эшанкулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сиддикова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори

Нишанов Маноп Нишанович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017. Fil 21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Г.Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобализация ва одамларнинг мулоқоти жараёнида тилнинг барча аспекти, шу жумладан, тилда акс этиладиган социомаданий мазмунларнинг таҳлили ҳақидаги масала ҳам юзага келади. Танланган мавзунинг долзарблиги тилимизнинг фразеологик фондидаги ахлоқий-этик концептларнинг репрезентациясида универсал ҳамда миллий ва ўзига хос хусусиятларни лингвистик ва лингвокультурологик таҳлилни қўллаб ўрганишда комплекс ёндашиш билан белгиланади. Замонавий фан сифатида лингвокультурология ҳозирги замон тилшунослигининг умумий ғоясига мувофиқ у тил ходисаларини инсон, унинг маданий, маънавий хусусияти ва амалий фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ушбу фаннинг асосий постулати халқнинг менталитети, тили ва маданиятини фразеологик бирликлар доирасида ўрганиш муҳим масаладир.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида образли мотивлашган фразеологизмлар талқини, тематик-идеографик таҳлиллари, лингвокультурологик аспектиларини ўрганиш ҳамда фразеологик бирликларнинг нутқда қўлланишини таҳлил этиш сингари устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик давридаги республиканинг ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ижобий сифат ўзгаришлари чет тилларни ўқитишда ҳам ўз аксини топди. Республикада чет тилларни ўрганиш ўқувчилар билимларининг ошишига, уларнинг маданий ривожланишига ва маънавий дунёсининг бойитишга имкон туғдиради. «Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти интеграциялашуви даврида ёшларимиз мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектual ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши»¹ бу борада жумладан республиканинг олий ўқув юртларида она тили ва чет тилларининг қиёсий типологияси грамматика, лексикология, фразеология, лингвокультурология соҳасидаги билимларини янада юқори даражада ўрганиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февридаги «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги ПФ– 4947 сон фармони, 2017 йилнинг 20 апрелидаги «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида»ги ПҚ–2909–сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 8 августидаги «Таълим муассаларида чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 13 майда эълон қилинган ПҚ–4797–сон фармонида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2016. 59б. (Б. 14).

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-мърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ибораларнинг тематик-идеографик семантикасини ўрганиш ва уларнинг образли мотивацион асосларини аниқлаш, уларнинг семантикасини шакллантирувчи культурологик манбалар доирасида кўпгина чет эл тадқиқотчиларининг кўп илмий ишлари маълум². Мазкур асарларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай миллий тилнинг олам фразеологик манзарасининг ноёблиги ундаги умумий ва миллий-специфик хусусиятларнинг мутаносиблигида намоён бўлади.

Фразеологик бирликлар ва улар шаклланиш йўллариининг қиёсий таҳлиliga Л.Л.Григорьева, Н.А.Хомякова, М.И.Грицко, И.Е.Городецкая, Ж.Д.Казимагомедоваларнинг асарлари бағишланган³. Р.Х.Хайруллинанинги илмий ишида рус ва бошқирд тилларидаги фразеологизмларнинг тематик-идеографик тизимлашуви, эмоционал-мотивацион асослари таҳлил этилган⁴.

Ватанимиз тилшунослигида фразеологик бирликлар тадқиқига М.И.Умарходжаев, А.Э.Маматов А.М.Айназаров каби олимларнинг илмий асарлари бағишланган⁵, жумладан, А.М.Бушуй лексикографик ва фразеологик луғатлар тузиш асосларини ишлаб чиққан⁶.

Лингвокультурология муаммолари М.Джонсон, Л.Линдгрэн, А.Вежбицкая, В.А.Маслова, И.А.Подюков И.Г.Ольшанский, Д.О.Добровольский, Е.О.Опарина, М.К.Голованивская, В.В.Воробьев, Ш.Сафаров, А.Маматов, Д.Худойбергана, Д.Джуманова асарларида батафсил ўрганиб чиқилган⁷. Эътироф этилган тадқиқотлар катта амалий

² Мирсаева Л.А. Образ человека во фразеологической картине мира в татарском и русском языках: Дисс... канд. филол. наук. –Уфа:2004.–С. 165; Коваль В.И. Образование фразеологических единиц и фразеологический анализ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.– М.:1982. – 18 с.

³ Григорьева Л.Л. Фразеологическая репрезентация религиозного мира человека (на материале русского, английского и арабского языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань: 2009; Хомякова Н.А. Эмотивные фразеологизмы в русском, французском и английском языках: сопоставительный анализ: Дисс. ... кандидата филологических наук. – М: 2008.– 212 с.; Грицко М.И. Глагольные фразеологизмы русского, английского и французского языков в сопоставительном аспекте: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Новосибирск: 2005; Городецкая И.Е. Фразеологизмы-соматизмы в русском и французском языках: Дисс. ... кандидата филологических наук. – Пятигорск: 2007; Казимагомедова Ж.Д. Семантические особенности фразеологических единиц с компонентом-соматизмом «рука» в табасаранском, английском и французском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Махачкала: 2014.

⁴ Хайруллина Р.Х. Картина мира во фразеологии (тематико-идеографическая систематика и образно-мотивационные основы русских и башкирских фразеологизмов): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М.: 1997.

⁵ Умарходжаев М.И. Основы фразеологии / Андиж. гос. пед. ин-т языков. – Ташкент: Фан, 1983; Маматов А.Э. Узбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Т.:1999; Айназаров Г.Б. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке Нукус: 2000.

⁶ Бушуй М.А. Лексикографическое описание фразеологии.- Самарканд:1982.

⁷ Lakoff G., Johnson M. Metaphors we live by.–Chicago; L, 1980; Lindgren L. On metaphoric communication as the original protolanguage // Studies in language origins. V. 2. – Amsterdam; Philadelphia, 1991; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.:1996; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Издат. центр «Академия», 2001; Воробьев В. В. Лингвокультурология. – М.: Изд-во РУДН, 1997; Воробьев В. В. Культурологическая парадигма русского языка. – М.: 1994; Голованивская М. К. Французский менталитет с точки зрения носителя русского языка. – М.: 1997; Подюков И. А. Народная фразеология в зеркале народной культуры: Учебное

аҳамиятга эга, бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, француз тилининг образли ва мотивлашган фразеологизмларини тематик-идеографик репрезентациясини инглиз тилидагиси билан қиёслаб ўрганишга Ўзбекистон Республикасида илк бор жазм этилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертацион тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг устувор тамойиллари билан узвий боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик репрезентациясининг лингвокультурологик ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«маданият», «лингвокультурология», «оламнинг лисоний манзараси», «оламнинг фразеологик манзараси» каби тушунчалар масалаларига бағишланган илмий адабиётларни таҳлил қилиб чиқиш;

образли ва мотивлашган фразеологизмларни уларнинг маданий меросини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш;

қиёсий таҳлил асосида оламнинг лисоний концептлаштирилишидаги ва инглиз ва француз халқларининг миллий менталитетларидаги ўхшашлик ва тафовутларни тавсифлаш;

ўрганилаётган тилларнинг этник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фразеологизмлар турлари ўзгаришларини аниқлаш;

оламнинг умумий лисоний манзараси фонида ҳар иккала тилнинг ўзаро бойиши усуллари ва йўллари аниқлаш;

қиёсланаётган тиллардаги фразеологик бирликларнинг ҳар томонлама лексик-семантик талқинини бериш.

Тадқиқотнинг объектини образли ва мотивланган инглиз ва француз тилларидаги фразеологик бирликлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивланган фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари диссертацияда қиёсий-чоғиштира, фразеологизмларни идентификациялаш, статистик таҳлил, лингвокультурологик таҳлил ҳамда ялпи танлаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва француз тилларининг образли ва мотивланган фразеологик бирликлари аниқланган ва миллий-маданий жиҳатдан асослаб берилган;

пособие. – Пермь: 1991; Ольшанский И. Г. Лингвокультурология: Методологические основания и базовые понятия // Язык и культура. Вып. 2. – М.: 1999; Опарина Е. О. Лексика, фразеология, текст: Лингвокультурологические компоненты // Язык и культура. Вып. 2. – М.: 1999. Добровольский Д. О. Национально-культурная специфика во фразеологии // Вопросы языкознания. – 1997. – № 6; Джуманова Д.Р. Specific features of linguoculturemes// Филология масасалари. Илмий-методик журнал. – Ташкент: 2014.– № 3–4.– С. 49-52.

инглиз ва француз миллий характерининг ўзига хос оламнинг фразеологик манзарасини шакллантиришдаги лингвокультурологик омиллари исботланган;

инглиз ва француз халқлари маданиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг этимологик ва семантик, тематик-идеографик хусусиятлари аниқланган;

инглиз ва француз тилларининг образли ва мотивланган фразеологик бирликларининг лингвомаданий ёндашувлари ишлаб чиқилган;

фразеологик луғатлар материали асосида инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивланган фразеологик бирликларнинг тематик-идеографик таснифи далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва француз фразеологик олам манзарасининг миллий - маданий ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

фразеологик луғатлар, матбуот ва бадиий адабиётлардан ялпи танлаш усулида танлаб олинган мисоллар телекўрсатувларни олиб боришда ишлатилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг республика ва халқаро илмий-методик ва илмий-амалий анжуманлар тўпламларида, ОАК рўйхатига киритилган махсус журналларда, халқаро илмий журналларда нашр этилганлиги ҳамда таклиф ва тавсиялар шунингдек олинган натижалар тузилмалар томонидан амалиётга татбиқ этилиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олинган натижалар қиёсий тилшунослик, лексикология, фразеология, лингвокультурология ва таржимашунослик соҳасидаги тадқиқотларни бойитаётганлиги билан аниқланади. Диссертациядаги назарий хулосалар турли тиллардаги оламнинг фразеологик манзарасини тадқиқ этишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тадқиқ этиш аппаратини турли тиллардаги фразеологик материални таҳлил қилишда қўлланишида намоён бўлади. Олинган натижалар инглиз ва француз тилларидаги фразеологик бирликларни лексикографиялашда қўлланилиши мумкин. Тадқиқот натижаларидан олий таълим тизимида қиёсий тилшунослик, фразеология, лингвокультурология, когнитив лингвистика, маданиятлараро коммуникация назариясида, лексикология ва таржимашунослик бўйича махсус семинарларда, диссертация ишлари, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Инглизча ва французча фразеологик олам манзараси хусусиятларини аниқлашда ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

инглиз ва француз тилларининг фразеологик бирликларини қиёслаш асосида қўлга киритилган натижалар Германия Федератив Республикасининг Иқтисод ва Энергетика федерал вазирлиги ва Халқаро немис ҳамкорлиги жамиятининг кадрларни тайёрлаш дастури доирасидаги инглиз ва француз

тилларида сўзлашувчи менежерларнинг маданиятлараро мулоқот йўналишида фойдаланилди (AKADEMIE International/ Akademie Fur Führungskraft. Hamburg, Germany. 2016 йилнинг 20 ноябридаги №22-сон маълумотномаси). Натижада лингвокультурология тил соҳибининг миллий-маданий ўзига хослигига доир муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилди.

лингвокультурологик ва фразеологик бирликлар билан боғлиқ натижалар Республика Таълим Марказининг 5-8 синф ўқувчилари ва 10-11 юқори синф ўқувчилари учун инглиз ва француз тили дарслик мавзуларига амалий материаллар тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълим Вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги №01/11-01/07-1627-сон маълумотномаси). Таҳлил натижалари ўрта мактаб ўқувчиларини инглиз ва француз тилларини ўқитишда ва тилни мукаммал ўзлаштиришига асос бўлган.

образли ва мотивлашган фразеологизмлар тўғрисидаги натижалар бакалаврият ва магистратуранинг Давлат таълим стандартлари мазмунига киритилган агентлигининг («Ўзстандарт» агентлигининг 2014 йил 18 сентябрдаги 50-сон буйруғи бўйича OzDst 36.1410:2014 рақами билан рўйхатга олинган). Таклиф этилган материаллар инглиз ва француз халқларининг маданияти ва менталитетини самарали ўрганишга муҳим манба бўлган.

фразеологик бирликларнинг идеографик талқинидан «Менинг Самарқандим» дастурини ҳамда Самарқанд «STV» телерадиокомпаниясининг туркум кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилди («Master Media Production» жамиятининг 2017 йил 20 октябрдаги №188-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ва тавсиялар асосида телерадиокомпаниянинг эшиттириш ва кўрсатувларига амалий материал сифатида хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 халқаро ва 18 республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар кўринишида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларида 17 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва материали аниқланган. Ҳимояга олиб чиқилган асосий мазмунлар баён этилган, тадқиқот методлари, назарий ва амалий аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот мавзуси турли маданиятларга мансуб кишиларнинг мулоқот жараёнини ўрганиш эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам тил миллий маданиятнинг бир қисми сифатида ўрганилади. Инсон лисоний шахс сифатида тил билан маданият ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг **«Образли ва мотивлашган фразеологизмларни лингвокультурологик аспектда ўрганишнинг назарий асослари»** номли биринчи бобида лингвокультурологиянинг асосий ҳолатлари ва уларнинг тил ва маданиятни ўрганишдаги аҳамияти ўрганиб чиқилган, фразеология соҳасидаги лингвокультурологик тадқиқотларнинг қисқача шарҳи берилган.

Образлилик муаммосини ўрганиш тилнинг бутун фразеологик тизимини образли ташкил этилганини аниқлашга ёрдам беради. Образнинг фразеологиядаги асосий вазифаси – ғоя, фикрни таъсирчанроқ қилиб ифодалаб беришдир. Фразеологик бирлик фразеологик образни, ўзига хос манзарани ифодалайди ва уларнинг фонида фразеологик бирликнинг бутун маъноси идрок қилинади.

Инсон фаолиятининг ҳартомонлама хусусиятлари турли тиллардаги фразеологик бирлик хусусиятларини ҳам юзага келтиради, бу эса миллий фразеологиянинг пайдо бўлишининг асосий манбасидир.

Фразеологизмнинг далиллигини, яъни унинг ички шакли мавжудлигини, берилган мазмунни тегишли иборага маълум даражада бевосита боғланиш йўли деб таърифлаш мумкин. Масалан, *childlike* сифатида берилган маънони лексик морфемаларга бўлинаётган сўзни морфологик хусусиятлари билан юзага келган аҳамияти билан алоқаси осонгина аниқланади: *child* – бола и *like* – ўхшаш. Худди шуни *good-looking*, *unfair*, *starry* ва бошқа шу каби сифатлар ҳақида айтиш мумкин. Лексемалар асосланишини ассоциатив моҳиятини тушунишдан келиб чиқиб, олам манзарасига мурожаат этиш керак ва асосларни онтологик моҳиятини нолисоний воқеликнинг ҳодисаси сифатида аниқлаш керак.

Тилдаги инсон факторини лингвокультурологик таҳлили, шунингдек турли миллат вакилларининг нутқий коммуникация жараёнига жиддий эътибор чет тилини ўрганиш ва англашдаги янги имкониятларни очиб беришга ёрдам беради.

Инсон дунёни, энг аввало, ижтимоий тажриба призмаси орқали қабул қилсада, бироқ конкрет тарихий даврнинг ҳар бир индивидига ўзининг олам манзараси хос. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида доимий коммуникация жараёнида бўлгани боис мулоқот жараёнида шаклланишида ўзи қатнашмаган тайёр дунёқарашга эга бўлади.

Турли халқларнинг оламнинг лисоний манзарасини батафсил ўрганиш, тилларда маданий қадриятларни кодлаштириш қай тарзда содир бўлаётганини яхшироқ тушуниш имконини беради ва бу, ўз навбатида, одамларнинг бир-бирини тушунишини енгиллаштиради.

Т.Б. Радбиль таъкидлаганидек, «...ибтидоий онг миқёсида менталитет деб атаб келинган нарса қадимдан бизнинг экзистенциал тажрибамизнинг шартсиз мавжудлиги сифатида ҳис қилинади. Бунга бизни фольклордан олинган маълумотлар, хусусан, миллий мавзудаги латифалар, фразеологизм, мақол ва маталларнинг лисоний материали ҳамда фалсафий, маданий ва адабий анъаналар ишонтиради».⁸

«Менталитет» тушунчасининг таҳлили халқларнинг маданий анъаналари ва қадриятларини янада кенгроқ англашимизга ёрдам беради. Миллий маданият ва тил ментал қадриятларнинг тарқатувчиларидир. Шу тариқа менталитет ҳар қандай халқ ва миллатнинг дунёни англашнинг ўзига хос социал-психологик ядроси сифатида кўрилади. Менталитетни маданий тарихий изчилликни таъминловчи ташкилий ибтидо деб аташ мумкин, тилни эса биз учун яширин бўлган менталлик соҳасига киришга ёрдам бера оладиган ягона восита деб аташ мумкин. Зеро у оламнинг у ёки бу маданиятда қисмларга бўлиниш усулини аниқлаб беради.

Жамият маданияти мақомини аниқлашда тил билан тафаккур ўртасидаги боғлиқликлар табиати масаласини ҳал этиш принципиал аҳамият касб этади. Тил билан олам ўртасида инсон туради. Инсон ўзининг сезиш органлари ёрдамида дунёни англайди ва бунинг асосида олам ҳақидаги ўз тасаввурлари тизимини яратади. У ёки бу жараёнларни тушуниб ва уларнинг натижаларини англаб, уларни жамиятнинг бошқа аъзоларига тили ёрдамида етказилади. Демак, тил билан борлиқ ўртасида тафаккур туради.

«Инглиз ва француз тилларида фразеологизмларнинг қўлланиши» деб номланган иккинчи боб фразеологизмларнинг образлигини таҳлил қилишга бағишланган.

Тилшунослик бўйича замонавий тадқиқотларда «образ», «образлилик» атамалари тез-тез учраб туради. Лисоний образлилик масаласи айни пайтда ҳам қадимий, ҳам янги ҳисобланади. Қадимийлиги шундаки, унинг айрим аспектлари, жумладан, образлиликни яратувчи асосий воситалар – метафора ва ўхшатиш – анча олдин антик риторика асарларида кўриб чиқилган.

Лисоний образлилик масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотда лисоний образ яратиш механизмлари ва образ яратиш учун зарур ҳамда фразеологик бирликни қуришда унинг жадаллиги даражасига таъсир қилувчи семантик шароитлар ўрганиб чиқилди. Ибораларнинг ўзига хос образлилик хусусиятларини тадқиқ этишда асос қилиб А.В.Кунин томонидан ишлаб чиқилган фразеологик концепция принциплари ва фразеологик идентификациялаш методи олинган.

«Образлилик» атамаси, юқорида қайд этилганидек, лисоний адабиётларда тез-тез учраб туради, бироқ турли тадқиқотчилар унга турлича

⁸Т.Б Радбиль. Основы изучения языкового менталитета: учебн. пособие – М.: Флинта:Наука, 2010, с 47.

талқин берадилар. Мазкур атаманинг талқин қилинишида уч асосий йўналишни аниқлаш мумкин:

1) Тилшуносликда «умумий образлилик назарияси» деб ном олган мазкур категориянинг кенг тушунилиши. Бу йўналишнинг назарияси адабий асарнинг ҳар бир сўзи ортида образ туради, дея эътироф этади. Бундан келиб чиқадики, образ, бир томондан, фалсафий жиҳатдан инсон онгида сўзлар ёрдамида кодлаштирилган борлиқнинг инъикоси сифатида, иккинчи томондан эса, образлилик таъсири функционал стилнинг маълум доираси, яъни бадий адабиёт билан чекланган тарзда намоён бўлади.

2) Иккинчи йўналиш образлиликни экспрессивлик билан тенглаштиради ва бу икки атама бир-бирига нисбатан тўлиқ синонимик birlikлар сифатида қўлланилади. Бу билан образлилик тушунчаси анча-мунчага тораяди. Экспрессивлик образлиликка қараганда анча кенг тушунча. Экспрессивликни яратишда синтактик, морфологик ва фонетик воситалар иштирок этиши мумкин. Бунда бир томонлама боғлиқлик кузатилади: образлилик доимо экспрессивдир, экспрессивлик ҳар доим ҳам образли бўлавермайди. Бундай фактни писанд қилмаслик образлиликка экспрессивликнинг тенглаштирилишига олиб келади.

3) Образлилик категориясининг учинчи хилдаги талқини ўта тор. Унга кўра, фақат троп ва фигуралар образли ҳисобланади.

Образ ибораларда ўзининг асосий хусусиятини, яъни семантик жиҳатдан икки планлигини сақлаб қолсада, бироқ бунда фразеологик образлиликка хос қатор жиҳатларни қайд этиш мумкин. Фразеологизм таркибан серсўзлилиги боис, унга мураккаб структурали образлилик хос. Агар сўзлар миқёсида образларни яратиш механизми бир лисоний birlik, яъни сўздаги икки семантик жиҳатларнинг ўзаро таъсирлашувларига бориб тақалса, фразеологизмлар учун икки маъновий қатламлар ўртасида хилма хилликка бой алоқалар мавжудлиги хос. Фразеологик birlikнинг образи асоси сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

1) нутқда мавжуд параллел эркин бирикма маъноси: *have the ball at one's feet* – ўзига хон, ўзига бек бўлмоқ (сўзма-сўз: ўз оёғи остида тўпга эга бўлмоқ).

2) нофразеологик характердаги сўзларнинг барқарор бирикмаси маъноси: *go off at half – sock* – шошилиб, ўйламасдан ҳаракат қилмоқ ёки гапирмоқ (сўзма-сўз: тепкини ярмигача босиб отмоқ).

3) оборотнинг нореал, аммо аниқ маъноси: *between the devil and the deep sea* – қийин, чорасиз аҳволда (сўзма-сўз: иблис билан денгиз ўртасида).

4) алоҳида компонентларнинг аниқ маъноси: *fair-weather friend* – ишончсиз дўст (сўзма сўз. яхши об-ҳаво пайтидаги дўст).

5) фразеологик birlikнинг асосий, бошланғич маъноси (иккиламчи метафоризация юз беришида): *Indian Summer* – олтин куз, кеч куздаги қуруқ илиқ кунлар, 2. Иккинчи ёшлик.

Берилган фразеологик birlikнинг иккинчи маъноси образли бўлишига сабаб инсоннинг ёши ўтгандан кейинги гуллаб-яшнаш даври табиат ҳодисаси – кеч кузнинг илиқ кунларига ўхшашлигидир.

Биз фразеологик бирликнинг 5 хилдаги семантик икки планлигини санаб чиқдик. Образнинг икки томонлари ўртасидаги бундай хилма-хиллик фақат фразеологизмларнинг специфик хусусияти ҳисобланади, бу фразеологизм (ибора) ва сўзнинг мувофиқлиги (эквивалентлиги эмас) фойдасига яна бир далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Образлилик одатда метафорик характерга эга. Асос сифатида мазкур тил эгаларига яхши маълум бўлган ҳодиса олинади. Кўпинча бирор ниманинг тимсоли ролига эга бўлган сўз асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, «лиса» – тулки сўзи фразеологияда айёрлик рамзи бўлиб қолган:

As cunning as a fox – хитрый как лиса (анг)- (тулкидек айёр), un vieux renard (фран.)

Образлилик ўхшатиш оборотлари шакллари сақлаб қолган ифодаларда англанади, масалан: *as an angel – как ангел(фаршитадек), as old as Adam- старо как мир(дунё каби қадимий), as fat as an alderman – толстый, как олдермен(олдермен каби семиз), тучный, полный с брюшком, (қорин қўйган тўла семиз киши) as busy as a bee –хлопотливая как пчелка (асал ари каби тиниб-тинчимас), as clear as a bell – ясно, отчетливо (тушунарли, аниқ).*

Образлиликни ўрганишда, шунингдек тимсол-сўзларга эътибор қаратиш керак. Масалан, «забор» (тўсиқ) сўзи одам учун турар жойини бегона кўзлардан ўзига хос равишда ҳимоя воситаси сифатида хизмат қилади, зеро инсон қадимдан ўзи ва ўз худудини ёт назарлардан тўсишга ҳаракат қилган. Ўз турар жойини тегилмайдиган, даҳлсиз деб ҳисоблайдиган инглизларда мазкур тушунча билан боғлиқ кўплаб иборалар мавжуд (*The Englishman's home is his castle*), масалан:

1) *the grass is always greener on the other side of the fence – трава всегда зеленее на другой стороне забора (тўсиқнинг нариги томонидаги ўт-ўлан доимо ям-яшилроқдир);*

2) *be on the fence – сохранять нейтралитет (бетарафликни сақламоқ), занимать нейтральную или выжидательную позицию (нейтрал ёки кутуш, пойлаш позициясини эгалламоқ);*

3) *take fences – создавать (строить) забор (тўсиқ қуриш, яратиш).*

Келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, «забор – fence» (тўсиқ, девор) сўзи инглиз халқининг ўз оилавий муаммоларини бошқа одамларга кўрсатмайдиган ва шу билан ўзларини ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода тўсиқ билан ҳимоялайдиган асосий маҳдудлик, ёпиклик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Ҳам инглиз, ҳам француз фразеологиясида номларни тимсоллаштириш тамойили мавжуд, масалан:

Aunt Sally – «Салли хола» халқ ўйини номи бўлиб, у маълум масофадан туриб устунга ўрнатилган ёғочдан қилинган аёл калласидан сопол трубкани чиллак чўп билан уриб тушириш ёки унинг бурнига теккизишдан иборат.

2) Маломатлар ёки ҳақоратлар учун нишон (кўпинча рад этиш мақсадида илгари суриладиган уйдирмалар ҳақида).

Aunt Tabby – «Тэбби хола» аёллар тенг ҳуқуқлилигига қарши чиқувчи мутаносиб кайфиятдаги аёлнинг лақаби.

Marie Brédasse – валдиروق, шаллақи аёл, ғийбатчи аёл. Вайсақи аёлни французлар шундай атайдилар. «Brédasse» сўзи «bredouiller» гуруҳига кирувчи сўзларга мансубва (тўнғилламоқ, минғилламоқ) маъносни билдиради. Бу исм яна истехзоли ва салбий тусга ҳам эга. Тиниб-тинчимас ва вайсақи аёл образи илк бор буюк француз ёзувчиси Франсуа Рабле томонидан тавсифланган.

Père Labutte (сўзма сўз: «*ома Лабут*») – Францияда ароқни яширинча кўп ичадиган кишиларни шундай аташади. Labutte исми «la groutte qu'il a butte» - яъни (у ичган томчи) сўз ўйинидан ясалган. Халқ кўшиқларида бундай исм билан италияликка ўхшаган қашшоқ роҳибни тавсифлашади.

Фразеологик бирлик образлилиги унинг ички шаклига асосланган ва бу унинг семантикасининг умумий бутунлигини асослайди. Бундаҳар қандай асослаш ўзида когнитив жараённинг таянч нуқтаси бўла оладиган ўхшатишга эга. Шундай қилиб, айнан ўхшатиш янги билимларни яратиш ва етказиб беришнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун фразеологик бирлик образлилиги асосида деярли ҳар доим нолисоний борлиқнинг реалаяларини ўхшатиш ётади, улар эталон, намуна ёки, аксинча, идеал сифат, ҳаракат ёки ҳолатнинг антиэталони бўлиб қолади. Масалан: ақлли одам ўсимлик дунёси объектлари билан қиёсланадиган фразеологизмлар: *as cunning as a fox, as wise as an owl*. Француз тили билан таққослайдиган бўлсак, французлар ҳам худди инглизларга ўхшаб тулкига бир хил таъриф беришади *un vieux renard* (қари муғомбир).

Учинчи боб «Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологиянинг шаклланишида маданий ва лисоний ўзаро боғланишнинг роли» деб номланган ҳамда инглиз ва француз тиллари фразеологизмларининг миллий- маданий ўзига хослигини таҳлил этишга бағишланган. Инглиз ва француз тилларидаги оламнинг фразеологик манзараси призмаси орқали инглиз ва француз халқларининг характери ва менталитети таҳлил қилинган.

Англия эркаклар ҳукмронлик қиладиган мамлакат эканлигини қайд этамиз. Инглиз оиласида ўғил болани ёшлигидан қиз боладан афроқ кўришган. Унинг тарбиясига кўпроқ куч ва кувват ажратилган, кўп маблағ сарф қилинган. Чиндан ҳам эркаклар нуфузи аёлларникидан устун туради. Британияда эркакларга нисбатан ғамхўрлик қилишади ва алоҳида эътибор билан қарашади. Оиланинг фаровонлиги ҳақида аёлга эмас, балки эркакка қараб хулоса қилишади: *Good Jack makes a good Jill* – *У хорошего мужа – хорошая жена (Яхши эрда- яхши хотин)*.

Шахсий ҳаёт, муҳаббат, оилавий муаммолар ҳақидаги суҳбатлар номуносиб ҳисобланади, инглизлар худди ўзларининг даромадлари ва маошлари ҳақида гапиришни ёқтирмагандек, булардан ҳам ўзларини олиб қочишади: *Spill the beans* – *проболтаться, проговориться, выдать секрет (сирни очиб қўймоқ)*.

Оилавий қадриятлар ва ёдгорликлар авлоддан авлодга етказилади ва, умуман, инглиз жамияти ва маданиятининг таянчи ҳисобланади:

An Englishman's home is his castle – Дом англичанина – это его крепость (инглизнинг уйи - бу унинг қалъасидир).

There is no place like home – Нет места подобного дому (уйга ўхшаган жойнинг ўзи йўқ).

East or West, home is best – В гостях хорошо, а дома лучше (меҳмонда яхши, уйда эса ундан ҳам).

Home and dry – в безопасности (ҳавфсизликда).

Инглизларнинг ижтимоий ҳаёти жуда қайноқ воқеаларга бой бўлади. Улар доимо турли ижтимоий ташкилотлар, клублар тузадилар. Уларда қизиқишлари, дунёқарашлари ва интилишлари бир хил бўлган кишилар йиғилади. Инглизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ёқтирадилар, ўз юксак орзулари учун курашишга ҳаракат қиладилар: *Do one's bit* – *выполнять свой долг (ўз бурчини адо этмоқ)*. Жамият олдадаги бурч инглизларнинг жўшқин ижтимоий ҳаёт кечиришлари учун асос ҳисобланади.

Тадқиқотда таҳлил қилинган фразеологик бирликлар ёрдамида келтирилган тил бирликларининг образли-мотивацион асослари келтирилади. Бунда биз инглиз тили ва умуман инглиз халқининг ёрқин лисоний, айна дамда, оламнинг фразеологик манзарасини кўришимиз мумкин.

Сўров натижаларига кўра француз халқининг менталитети ташқи таъсиротлардан етарли даражада ёпикдир. Бунда антик дунё асосий социомаданий мазмун касб этади. Зеро французлар антик даврга хос ҳақиқат, тафаккур ва рационаллик (оқиллик)ка ҳурмат-эҳтиром билан қараш каби хусусиятларни қабул қилиб олганлар. Рим ҳуқуқи тизими, энг аввало, табақаларга оид тизим француз рационалистларининг янги тушунчалари билан тўлдирилган. Уларнинг даврини Буюк француз революцияси билан биргаликда чинакамига замонавий француз менталитети профилини белгилаб берган иккинчи глобал социомаданий мазмун деб ҳисоблаш мумкин.

Францияда христианлик ўзига хос жиҳатларга эга эди, уларни ўша даврнинг кўпгина мутаффақирлари (Вольтер, Дидро, Рабле) таърифлашган. Руҳонийлар аҳли халққа ўз ҳаётининг ҳасад, очкўзлик, мунофиқлик каби энг ёмон, нолойиқ томонларини намойиш этишган эди. Шу боис черковга нисбатан салбий муносабат француз тилининг ибораларида ҳам ёрқин аксини топган:

1) *grenouille de benitier* – *церковная жаба, non (черков бақаси, non)*.

2) *rentrer (или revenir) dans le giron de...- вернуться в лоно...(... дур бағрига қайтмоқ)*:

L'absolution d'un apostat et d'un vagabond qui veut revenir dans le giron de l'église coûte douze tournois, trois ducats et six carlins (Voltaire, «*Dictionnaire philosophique*). Черков бағрига қайтишни истаган ўз эътиқодидан воз кечган муртад ва дайдининг гуноҳларини кечириш 12 дублон, 3 дукат ва 6 карлинг туради.

Француз жамиятида католиклик эътикодга содиқ бўлинсада, бироқдинга нисбатан инглизларнинг динга бўлган муносабатига қараганда қарашлари эркинроқ характерга эгадир.

Француз халқининг рухий қуввати уни кўзғолонларга бош кўтариб туришга ва борлиқ билан курашишга ундайди. Француз учун ҳаёт мазмуни зиддиятлар курашидан иборатдир: *L'autorité établie – установленное, общественное, социальное господство. Les Français n' hésitent pas à critiquer leurs propres institutions et à manifester, même devant les étrangers, peu de respect pour l'autorité établie.* Французлар ўрнатилган ҳукмронликни писанд қилмаган ҳолда асосий ташкилотларни танқид қилиш ва ҳатто чет эллик меҳмонлар олдида ҳам манифестацияларда қатнашишдан тортинмайдилар.

Асосан бағрикенг ва оқкўнгил бўлганликлари учун французлар ўзлари кўшилмайдиган фикрга ҳам хурмат кўрсатишни биладилар: *Jeter son bonnet par – dessus les moulins* (сўзма сўз: ўз қалпоғини тегирмон остига ташламоқ) – бошқалар фикрларига эътибор қилмай ҳар қандай камтарлик, босиқликни йўқотмоқ. Французлар кўпинча маълум қоида ва ақидаларга қарши чиққан одам ҳақида шундай дейишади.

Француз ва инглиз тилларидаги фразеологизмларни таққослашнинг кўрсатишича, Англия ва Франция халқлари кўпгина ўхшаш жиҳатларга эга, бу, ўз навбатида, уларнинг янада яхшироқ ўзаро тушуниши ва яқинлашишларига олиб келади. Шундай бўлсада, шуни ҳам ёдда тутиш керакки, турли тарихий шароитларда шаклланган инглиз ва француз тиллардаги ибораларда бир хил фикрни ифодалашда кўпинча халқларнинг турли ижтимоий тузуми ва маиший ҳаётиниакс эттирувчи турли образлардан фойдаланилади.

Фразеологияда кўпинча у ёки бу инсоний сифатларни тавсифлашда одамлар ва уларнинг сифатларини ҳайвонларники билан таққосланади. Бундай фразеологизмлар, одатда, ҳазил, киноя асосида яратилади, уларнинг образлари негизида у ёки бу халқнинг яшаш тарзи, турмуши хусусиятлари очиб берилади. Бундай ўхшатишлар барча тилларда мавжуд. Бундай ҳодиса оламнинг инглизча ва французча лисоний манзараларида ҳам кенг тарқалган.

Фразеологияда ҳайвонларнинг жуда кўп белгилари одамларнинг у ёки бу сифатларини тавсифлашга ёрдам беради.

Қуйида энг кўп ишлатиладиган ўхшатишлар таҳлили келтирилган:

1) одамни бўрига ўхшатиш.

Бўри – бу йиртқич ва қонхўр ҳайвон, у жониворлар билан озикланади. Одамни бўри билан қиёслашганда, уни ўз ўлжасини ейдиган худди шу йиртқичга ўхшаб овқат ейишини таъкидлашмоқчи бўлишади. Фаунанинг мазкур вакили иштирокида француз ва инглиз тилларида кўп ибора ва мақоллар яратилган:

1) *Eat like a wolf* – бўриникидек иштаха, бўридек емоқ;

2) *Greedy as a wolf* – бўридек еб тўймас, баднафс, хўра, сертомоқ;

3) *Affamé comme un loup* – бўридек оч;

4) *Une faim de loup* – бўрининг очлиги.

Донишмандлик ва айёрлик каби инсоний сифатлар инглиз фразеологиясида мушук билан тулки каби ҳайвонларга кўчирилган:

Масалан: 1) *An old fox* –қари тулки, айёр.

2) *Play fox* –айёрлик қилмоқ, муғомбирлик қилмоқ.

3) *As cunning as a fox* –тулкидек айёр.

4) *When the fox preaches, then beware your geese* - тулки гапни айлантиришни бошласағозлардан кўзингни узма.

Агар француз тили билан солиштирилса, у ҳолда французлар ҳам тулकिга нисбатан инглизлар берган таърифларни қўллайдилар: *un vieux renard* - қари муғомбир, алдоқчи, мутаҳҳам.

Coudre la peau du renarde à celle du lion –тулкининг айёрлигини шернинг кўрқмаслиги билан кўшмоқ.

Le renard change de poil, mais non de naturel –тулки ҳар йили туллайди, лекин одатларини алмаштирмайди.

Француз фразеологиясида инглизларникидан фарқли ўлароқ шундай сифатга яна бир ҳайвон эга. У ҳам бўлса бўри: *vieux loup* –қари фирибгар.

Мушукка ҳам кўпинча шундай хусусиятларни хослашади. Қадимдан мушук донишмандлик ва айёрлик эгаси бўлган афсонавий мавжудот ва унинг кўп ҳаёти бор бўлган деб ҳисоблашган:

Les chats ont la vie dure –мушукнинг жони кўп.

Ўғрини мушукка ўхшатишади: мушукнинг бирор нарсани олиб қочиш одати борлиги ҳаммага маълум:

The cat shuts its eyes when it steals the cream –Мушук қаймоқни ўғирлаётганида, кўзларини юмиб олади.

On ne saurait retenir le chat quand il a goûté de la crème –Ким ширинликни татиб кўрган бўлса, аччиқни егиси келмайди.

Il n'y avait que le chat –гувоҳлар йўқ эди..

Ҳайвонлардан ташқари одамларни яна қушларга ҳам ўхшатишади. Бу айниқса инглиз фразеологиясида кенг тарқалган:

1) *The early bird catches the worm* –Эрта турган қушча чувалчангини топади. Ким эрта турса, унга худо беради. Меҳнаткаш кишилар ҳақида инглизлар худди шундай дейишган.

2) *Every bird likes its own nest best* –Ҳар қандай қуш ўз уясини кўпроқ яхши кўради. Мазкур фразеологизмда инглизларнинг қалъа вазифасини ўтайдиган ва бегона кўзлардан кўриқланадиган уйи, турар жойига муносабати ҳақида сўз боради.

